

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат
Архитектура - Қурилиш Институтининг
“Қурилишни бошқариш” факультетининг
“Касбий таълим” кафедраси



Диплом лойиҳасининг
ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**Мавзу: Миниатюра. Шорасул Шоахмедовнинг
“Йўловчи” асаридан нусха кўчириш
ва уни ўқитиш услуби.**

Кафедра мудири: доц. Рахимов А.Қ.
Раҳбар: доц. Султонова Д.Н.
Маслаҳатчи: Ўқт. Меликулов А.Н.
Битирувчи: 401- КТ(с) гуруҳи
талабаси Янгибоева Хуршида.

Самарқанд 2013 йил.

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

«Қурилишни бошқариш» факультети
« Касбий таълим » кафедраси

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Диплом лойиҳасининг мавзуси

Миниатюра Шорасун Шохмуд
довнинг "Иқноват" асаридан нусха
қўлириши ва уни ўқитиши усули.

Диплом лойиҳасини

бажарувчи толиб (а) Эминова Суринга
(Ф.И.Ш.)

Кафедра мудирини доц. Рахмонов Н. Ғ.
(Ф.И.Ш.)

Раҳбар доц. Бунтенова Д. Н.
(Ф.И.Ш.)

Маслаҳатчилар ўст. Насибуллоев А. Н.
(Ф.И.Ш.)

(Ф.И.Ш.)

[Signature]
(Имзо)

[Signature]
(Имзо)

[Signature]
(Имзо)

[Signature]
(Имзо)

[Signature]
(Имзо)

Мирзо Улутбек номидаги Самарқанд Давлат Архитектура
Қурилиш Институтини

«Қурилишни бошқариш» факултети

«Касбий таълим» кафедраси

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИНИ БАЖАРИШ УЧУН
ТОПШИРИҚ

Алимова Гулнора

401-КТ(с)

(таълимнинг фамилияси, исми, шарифи)

I. Диплом лойиҳасининг мавзуси Миниматифодал
Шоҳ-шоҳзодалик, "Қўшқон" оқарувида муҳтаф қўшқон
ва уни рўқатиш режиси.

Институт буйича 2024-йил «29» 12. 2024 й. сон буйруқ асосида тасдиқланган.

II. Диплом лойиҳасини бажариш учун маълумотлар Миниматифодал
муҳтаф қўшқон буйича кўтаришга маълумотлар
қўйилган.

III. Тушунириш хатида келтириладиган:

1. Мавзу буйича маълумотлар тўғриси, уларнинг тахлили ва асослаш Бўйича келган
маълумотлар тахлили қилиниб, маълумотларда
ва қўшқон ишчи режиси тузилади.
2. Диплом лойиҳасининг назарий шакли ишланмалари Миниматифодал
муҳтаф қўшқон асосларида қўшқон қўшқон
қўшқон.
3. Диплом лойиҳасининг амалий шакли буйича эскизлар бажариш Қўшқон
Ш. Шоҳ-шоҳзодалик, "Қўшқон" оқарувида режиси
қўшқон ва қўшқон қўшқон қўшқон.
4. Уқув услубий қисми Маълум буйича қўшқон қўшқон
қўшқон, 2- қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон
қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон
қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон.
5. Диплом лойиҳаси (буйича қўшқон қисми)
Қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон
қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон
қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон
қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон.
6. Қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон
Қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон
қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон
қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон қўшқон.

1. Рақматсўзликни миниматюра шаклида
бажаришган иш (Ш. Шайхмуродовнинг «Иқлобдор»
асаридан кўрашган мўлага)

2. Миниматюрадан мўлага кўрашун кет-мо-кетгани.

3. Аниқлаш дара ўткази услуби қўлланмаси ўқилган
10-минутлик дара тақдироти
«Мавзу: Рақматсўзлик миниматюра шакли»

V. Диплом лойиҳасининг қисмлари бўйича маслаҳатчилар:

№	Диплом иши қисмлари	Боқланиши	Тугалланиши	Маслаҳатчилар	Изоҳ
1.	Мавзу бўйича маълумотлар тўплаш, уларнинг таҳлили ва асослаш.	1.03.13	25.03.13	Султонова Д.	
2.	Диплом иши назарий шаклининг ишланмалари.	26.03.13	12.04.13	Султонова Д.	
3.	Диплом ишининг аниқлаш шакли бўйича эскизлар бажариш.	13.04.13	10.05.13	Маммунов А.	
4.	Ўқув услубий қисми.	11.05.13	15.06.13	Рахмонов А. Ғ.	

Изоҳ:

1. Диплом лойиҳаси «Изоҳ» га асосан бажарилади.
2. Хар бир топшириқда кўрсатилган муддат охирида раҳбар ёки маслаҳатчи томонидан имзолангандан кейин навбатдаги қисминини бажаришга кафедра томонидан руҳсат берилди.

VI. Топшириқ берилган сана 1.03.13

VII Тугалланган диплом лойиҳасининг топшириш санаси 15.06.13

Диплом лойиҳаси раҳбари доц. Султонова Д.Н.
(фамилияси, исми, шарифи) (ишчи)

Топшириқ бажариш учун қабул қилинди Викторова Э.
(фамилияси, исми, шарифи) (ишчи)

Кафедра мудури доц. Рахмонов А. Ғ.
(фамилияси, исми, шарифи) (ишчи)

Мундарижа:

КИРИШ.....	1-3
Мавзуни асослаш	4-6
Шорасул Шоаҳмедов ҳақида.....	7-15
Рангтасвир санъати ҳақида.....	16-18
Миниатюра жанри.....	19-21
Нусха кўчириш технолгияси.....	22-30
Атроф муҳит муҳофазаси қисми.....	31-36
Ўқув услубий қисми.....	37-49
Хулоса.....	50-51
Адабиётлар.....	52-53

КИРИШ

КИРИШ

Иқтисодий ва сиёсий сохалардаги барча ислохотларнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жихатдан мукаммал ривожланан инсонни тарбиялаш, таълим ва тарбияни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етқизиш далаатиизнинг энг мухим вазифаларидан бири ҳисобланади.

И.А.Каримов

Бу муҳим мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқаришда малакали мутахассис кадрлар шак-шубҳасиз ҳал қилувчи рол ўнайди. Инсон омилнинг кучи ва таъсири энг аввало юксак маънавият, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси билан белгиланади у аҳолининг билимдонлик даражаси шу билан бандликнинг касбий малака тузилмаси ва шу каби кўпгина шарт-шароитлар , воситалар оқали таркиб топади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ малакали мутахассис кадрлартайёрлаш, улардан оқилона фойдаланиш масадласига катта аҳамият берилди.


II. Мавзуни асослаш

II. мавзуни асослаш.

Диплом ишим мавзуси Миниатюра. Шорасул Шоахмедовнинг “Йўловчи” асаридан нусха кўчириш ва уни ўқитиш услуги.


Дипло ишимга айнан шу мавзуни танлашимга сабаб: ушбу олий даргоҳга ўқишшга кириб, 4 йил давомида кўп фанлардан тахсил олдим. Улар бадиий безак, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, ганч ўймакорлиги, рангтасвир, қаламтасвир, композитсия, интерер, санъат тарихи, санъатшуносликка кириш, ишлаб чиқариш амалий машғулотлари, ҳамда миниатюра ва нусха кўчириш фанига менда ўзгача меҳр уйғонди. Нимага айнан миниатюра деган савол туғилиши табиий. Мен бу саволга қуйидагича жавоб берган бўлардим.

Миниатюра деганда биринчи навбатда XV аср Шарқ миниатюрасининг буюк намоёндаси “Шарқ Рафаели” деб ном олган бобокалон ватандошимиз Камолиддин Бехзод гавдаланади. Камолиддин Бехзоднинг бетарор ижодий меъроси асрлар оўя яшаб келмоқда. Мусаввирнинг бадиий етук асарлари миниатюра санъатида эришган мувофақиятлари бутун шарқ тасвирий санъатида ўзига хос мактабни вужудга келтирди. Мўйқалами сеҳри билан гўзаллик, нафосат оламида мўжиза яратган устоз санъақор сабаб, диплом ишимга рахбарларим Султонова Д. ва Мелиқулов А. Билан маслахатлашган холда айнан шу мавзуни танлаша қарор қилдим.



“Йўловчи” , 2005 йил

III. Шорасул Шоахмедов хақида



Шорасул Шоахмедов

III.Шорасул Шоахмедов хақида.

Шорасул Шоахмедов замонавий миниатюра усталаридан бири хисобланади. У бадий образни жонли тасвирлашда, алохида ритми, бой жўшқинликни кўрсатишда, миниатюранинг уйғун қурилишда, мавзуни образли кечинмалари орқали беришда, нарсанинг ўзига ҳамда санъатнинг бадий воситаларига муносабатда ўз индивидуал услубини топди.

Унинг асарлари жонли хиссиёт ва мазмун охангидан жон олган, ёқимли ва совуқ ранглар бир-бирини тўлдиргандек туюлади. Образ рухиятини билган рассом қахрамонларини гўёки уларнинг оламиини ягона қилиб бирлаштиргандек, умумий ҳаракат билан боғлайди. У лакли миниатюрадаги ва қоғоздаги асарларининг ранг мазражини доимо нафис ва бой қилиб беради.

Санъаткор “Севишганлар” мавзусига бағишланган асар туркумини яратган. Йигит мухаббат туйғусидан хаяжонга тушиб, маъшуқасига меҳр билан юзланмоқда. Севишганлар сершоҳ мажнунтол соясида ўтирган кўйи тасвирланган. Уларнинг либослари хашамдор безатилган. Асарлардан бири (думалоқ қутича)нинг композитсияси ёрқин ва бўёқ ранглар (доғлар) алмашувигв асосланган. Севишганлар холати ва қўл ҳаракатлари нозик тасвирланган. Қиёфалар ифодали ва уйғун. Деталлар бағоят нафис ишланган. Кўриниши яхлит юз ва ҳаракат шартли. Расм заррин ислимий нақш билан хошияланган. Қахрамонлар юзи ва танаси тўқ қизил, либослар кўк ва жигарранг, йигит бошидаги оқ салла ўралган оч қизил дўппи кўзга яққол ташланади.

“Дугоналар” сурати сюжети соддалиги билан ўзига махлиё қилади. Дугоналарнинг дилкаш суҳбатининг бахтиёр гувоҳи бўлиб қолган рассом ёшликнинг беғуборлигини ва гўзаллигини ифодалайди, бижилдоқ қизларнинг хужқоматлигидан мароқланади. Миниатюрочи ўз қахрамонларини сершоҳ мажнунтол фонида гулга бурканган бахорий табиат қўйнида тасвирлайди.

Олдинда турган нозик ложувард кўза қад-қоматининг рамзи сифатида берилган, тўқ қизил анор терилган баркаш эса қизларнинг заррин гулли жигарранг қизил либоси ҳамда оқ қалпоқлари билан уйғунлашиб кетган. Булар асардаги рангларнинг ифодали, жонли

жилвасини юзага келтиради. Воқеада сахналарнинг очиб берилиши, уларнинг мотивт жонлиги, образларнинг рухий жихатдан ифодалиги, хуфёна сирдошийлик ва бунинг илк ифодаланиши, ижронинг гўзаллиги ҳамда бадиий жихатдан етуклиги асар ажиб назокат ва нафосат билан яратилганлиги, унинг теран рухи ва ифода воситалари, сюжетлари, ижро йўсини бу рус рассомлари Маковский, Перов, Верещегенни ёдга солувчи, бироқ янги Шарқ уйғониши услубидаги санъаткорларнинг дастхати эканлигини кўрсатади. Ахир буюк Бехзодни бежиз “Шарқ Рафаели” дейишмаган-ку! Шундай экан, хозирги шарқ уйғонишининг миниатюрачи рассомлари жахон санътининг буюк усталари билан нечун тенглашмасканлар.

Замонавий рассомлар ёрқин миллий истедодларнинг миниатюра асарларини кўрган киши уларнинг бетакрорлигига ва ўзига хослигига имом келтиради. Улар ўрта асрлар Шарқи миниатюраси энг яхши анъанларининг давомчиси бўлиб янгича ва мустақил ривожланишни кечиришмоқда.

Ш.Шоахмедовнинг асарлари ҳам шу боис сюжетни янича оригинал ифодалаши, композитсия тузиши, образларнинг ёрқин тавсифи, теран фалсафий ва уйғунмушохадагорлиги балан хар гал хайратга солади.


“Йўловчилар” асари истеъдод билан яратилган салмоқли асар. Асар тўғри бурчакли шаклида чизилган. Дам олиш учун тўхтаган уч йўловчи қора фонда тасвирланган. Миниатюрачи дам олувчиларни композитсия марказида, икки диагонал кесишган жойда, учи растга қараган учбурчак жойлаштирилган.. Сўл томонда ўтирган йўловчи осмонга қаратиб миллий чолғу чолмоқда, у куйга бутткул берилган. Олхга муножат қилаётгандек, илохий хаяжонда. Қўл харакати ифодали берилган: бир қўли чолғу торида иккинчиси кескин юқори кўтарилган. Олдиндаги эркак томошабинга синчковлик билан боқилмоқда. Ўнг ёнида ўтирган киши эса юз ифодасига қараганда, хомуш ўй сурмоқда. Ўнг ёнида ўтрган киши гўё кўзга кўринмас сухбатдош билан, эхтимол, ўзи билан ўзи гаплашаётгандай. Қўл харакати гаплашиб турган кишиларники сингари аниқ. Орқада араванинг ўйма нақшли ғилдираги фон сифатида чиройли кўриниб турибди. Йўловчилар ортидан чўқ тушган туя маънодор ва хотиржам боқмоқда. Олдинда, қуйида, кичкина гулхан.



“Ов” , 1995 йил




“Чавгон ўйини” , 1999 йил



“Боғда” , 2003 йил



“Уч дарвиш”, 2004 йил



“Қора отлар” , 2004 йил

IV. Рангтасвир санъати ҳақида

IV. Рангтасвир санъати хақида.

Мавзуга асосан миниатюра ишлаш учун, албатта рангтасвирга мурожаат қиламиз. Миниатюрани қаламтасвирда чизиб олганимиздан сўнг, ранг беришимиз керак бўлади. Шунинг учун рангтасвир хақида тўлиқ маълумот бериб ўтсам.

Рангтасвир – тасвирий санъат тури ҳисобланади. Воқеиликни бадиий тасвирлаш ва талқин қилиш рангтасвирда намоён бўлади. У муҳим ижтимоий мазмун ва ранг-баранг ғоявий вазифаларга эга. Рангтасвир томошабин фикри ва туйғуларига тасир этишининг муҳим воситасидир. Рангтасвир асарнинг ғоявий мазунини унинг мавзу ва сюжетда мужассамлашган бўлади. Сюжетни расм рангтасвирнинг ифода восталари: композитсия, расм, ранг, ритм орқали амалга оширади. Рангтасвир асари бирор қаттиқ юзада рангли ашёларда, мисол учун бўёқлар ёрдамида яратилади. Рангтасвир асарларининг асоси, ёғоч, қоғоз, картон, шиша, металл ва махсус ишлов берадиган мато бўлиши мумкин. Рангтасвир асарларининг муҳим тасвирий ва таъсир воситаси – ранг ҳисобланади. Рангтасвирнинг ранг қатлами: мойбўёқ гуаш, тепмира, акварел, рангли шиша, рангли тушдир. Айрим ҳолларда ранг қатламини сақлаш мақсадида, унинг устидан берилган юпка дақ қатламидан иборат бўлади.

Рангтасвирнинг тасвирий ифода воситаси ва ишлаш услуби ишлатиладиган ранг, қуроллар хусусияти, ранг эриткичлари, асосида боғлиқ. Рангтасвир ранг орқали хаёлий дунё ёки борлиқ кўринарли шаклларда тасвирлайди, маконнинг чексизлигини, ундаги нарсаларнинг ранг-баранглигини, моддийлигини ҳажми ва фактурасини кўрсатиши, ҳаракат, инсон руҳидаги ўзгаришлар, мураккаб ички ҳиссиёт кечинмалари, ўй-хаёлларини акс эттириши мумкин.

Рангтасвир асари дастлаб ижодкор онги ва тасаввурида пайдо бўлган ғоя қораламаси тарзида қаламда бирор юза, кўпинча қоғоз ва картонда ишдаб олинади. Сўнг бўлғуси иш моҳиятига мос асос танланиб, унга бажариладиган ишга ишлов берилади. Шундан сўнг тасвир ўрни белгилаб олиниб, расми ишланади. Ранг беришда биринчи суюлтирилган ранг билан бошлаб кўп қатламли ёки керак рангни бир қўйишда бир қатламни бажариш мумкин.

Рангтасвир жанр ва усуллари.

Рангтасвир мавзу ва мазмун йўналишига қараб бир қатор жанрларга бўлинади. Улар қуйидагилар:

- Натюрморт жанри
- Манзара жанри
- Портрет жанри
- Батал жанри
- Маиший жанр
- Тарихий жанр
- Анималистика жанри ва бошқалар.

Рангтасвир асарлари ишланиши бўйича шартли икки услубга тажратиш мумкин. Биринчиси ясси, иккинчиси хажмли – фазовий услубдир.

Биринчи услубда тасвир нурсоясиз яхлит ясси шаклларда ишланади.

Иккинчи услубда эса тасвир хажми нурсоя ёрдамида мухит билан боғлиқ холда тасвирланади.

Бундай асарлар рангга бой бўлиб, унда рангларнинг барчр тусланишларини хис этиш, тушувчи нурнинг қайтган рангини ҳам, қайтган нуларнинг тусланишига ва бошқа ранглар билан бойишини кўриш мумкин. Рангтасвир асарларида бу икки услуб орасида қатъй чегара йўқ, бири иккинчисини тўлдиради.

Рангтасвир асарлари ўзининг ишланиш ўрни, мазмуни, бажарадиган вазифаси, ишланиш услуби ва кўринишига қараб монументал, безак, дастгоҳ, декоратсия, миниатюра ва бошқаларга бўлинади.

V.Миниатюра жанри

V. миниатюра жанри

Минатюра (франсузча, миниатюра, лотинча *miniatur* – қизил бўёқ) бадий усуллари шта нафис бшлган кичик хажмли (мўжаз) тасвирий санъат асарлари. Ўрта аср қўлёзмаларини зийнатлаш учун яратилган нафис мўжаз расмлар, чинни баъзан маиший, буюмлар (тамакидан, соат, узук ва бошқаларга) ишланган кичик хажмли рангтасвирга ҳам миниатюра атамаси қўлланилади. Бадий миниатюранинг китоб ва портрет миинатюраси каби сохалари кенг тарқалган. Китоб миниатюрасида расмлар рангли қилиб темпера, гуаш, елим, акварел ва бошқа бўёқлар билан қўлда бевосита қўлёзма китоблар варақаларига ишланиб, ундаги нақшлар (сарлавха, уунвон, лавха ва бошқалар) шу китобларнинг безаклари билан уйғунлашган. Миниатюра қаадимдан маълум бўлган. Қадимги миср папирусларига хира бўёқлар билан перода расмлар текис юзали қилиб рангтасвир усулида ишланган. Сўнги антик миниатюралар (4-6-асрлар) шакллар ва нур-хаво холати тўғри берилганлиги билан диққатга сазовор. Бу усул Византия миниатюраси (асосан, диний, қўлёзмалар) да 10 асрларгача хукм сурган. Миниатюрага халқ ижодиёти хусусиятлари кириб боради. 13-15-асрлар готика миниатюрасида натурани хаққоний ифодалашга интилиш кучайди., расмлар матн билан изохланди, шакллар жонланди, манзара интерер, меъморий хомашёларга кенг ўрин берилди. Франсияда йирик миниатюра воситалардан А. Боневё, Зекмар d'eden ва боўқалар самарали ижод қилди. Миниатюра қўлёзма китобларининг мўжаў расмлари ва алохида ишланган расмлар сифатида 12-19- асрларда Шарқда кенг тарқалган. Аввал илмий қўлёзмалар (Масквадаги табобатга оид Диоскориднинг “Дорилар” рисоласининг араб тилига таржимаси, Абу Райхон Берунийнинг “Осар ул-боқия) – “Ўтмишдан қолган ёдгорликлар”, Қазвинийнинг “Нужум” – “,лдузлар” ва бошқалар) кейинчалик бадий асарлар (Харирийнинг “мақомот” , “Қалила ва Димна” , “ Тарихий Фабарий” каби асарларга) расмлар ишланган. Бадий адабиёт асосан, эпик шеърият – маснавий, дostonлар жумладан, Фирдавсийнинг “Шошнома” Низомий, Хусрав, Дехлавий, Алишер Навоийнинг “Хамса”лари,Жомий, саъдий, Нафис Шеърозий ва бошқаларнинг асарлари) қўлёзмаларни зийнатлаш учун яратилган миниатюралар алохида туркумни ташкил қилади. Буюк мусаввир сифатида Шарқда Монийдан сўнг Жунаид Бағдодий, Хожа

Абдулхай, Мамуд Сиёхқалам, Фиёсиддин Наққош, Камолиддин Бехзод, Қосим Али, Махмуд Музаххид, Абдулла Мусаввир, Басаван, Ризойи Аббосий ва бошқаларнинг номлари машхур. Темурийлар давридв алохида варқларга миниатюра ишлаш ва улардан мураққа тузиш анъанага айланганЮ алохида шахслар тасвири (портрети)ни ишлаш тааққий этган, хусусан Хиндистонда Бобурийлар давридв юксалди.

VI.Нусха кўчириш технологияси

VI. Нусха кўчириш технологияси

Нусха кўчиришда авваломбор оригинал ишнинг яратилиш техникаси, технологияси тахлил қилинади ва унинг яниг нусха ижрои учун нималар кераклиги олдиндан белгилаб олинади. Масалан агар бирон таниқли рассомнинг наъмунали машхур рангасвир асарларининг кўчириш керак бўлса, ишни бошлашдан аввал у қандай матмралга нима билан чизилгани аниқлаб олинади. Иш қандай босқичлар асосида, қандай техник усулларни қўллаб, яратилгани татқиқи этилади. Сўнг барча жараёнлар оригинал ишни ишлаш жараёнидек бажарилади. Унда рассом қўллаган барча ўзига хосликлар ҳисобга олиниши кераклиги эътиборга олинади.

Рангасвирдан нусха кўчиришда ўзига яраша қонун – қоидаларга риоя қилиниши лозим. Нусха олинандиган ишнинг ўлчамлари аниқлаб сўнг ўша ўлчамдан бир, бир ярим сантиметр кичикроқ ёки каттароқ матога (катта тўқимдаги ёки майин сатхли) ишланганига қараб иш юритилади. Нусха учун аслиятидаги каби матираллар танланиши муҳим. Шунда асар нусхаси оригиналга ўхшаб чиқишга эришилади. Агар асар музей экспонати бўлса ва унинг репродукцияси қўл остида мавжуд бўлса ана шу намуmanın кичик суратини катталаштиришга, каталарга чизиш орқали катталаўтириб тархини тушириб тайёргарлик қилиш лозим. Бунда албатта асарнинг тасвири масштабга мувофиқ олиниши керак. Асарда қандай бўёқ турлари ва хиллари фойдаланилганлигини аниқ билиб олиш тақозо этилади. У суюқ ёки қуюқ сурмталарда ишланганини билиш, ўрганиш ҳам муҳим. Нусха кўчирувчи фақат тасвир тарихини эмас балки, рассом услубини техник йўллари ҳам ўхшатиши, ундан маҳорат сирларини ўрганиши лозим. нусха кўчиришдан мақсад ҳам шунга йўналтирилган бўлиши керак.

Нусха кўчириш жараёни қуйидагича бажарилади:

Аввал асар репродукцияси топилади;

Намуна шлчаш аслига яын олинган картон ыаламтасвирда ишлаб чиқилади;

Ромга мато тортиб у грунтланади;

- Аслиятга қандай бўлса шундай услубда техникада ишлашга хозирланади (грунт рангига ахамият қаратилади);

Аслиятдаги асосий рол ўйновчи ранглар политраси тайёрланади (саралаб идишдан чиқарилади).

Тайёр мато юзасига қаламтасвир туширилади, бунда қора қоғоздан фойдаланиш мумкин;

Қалам тархи суркалиб кетмаслиги учун унинг устидан жигарранг ёки “ультрамарик” бўёғини суюқроқ қилиб кичкина мўйқаламда юрғазиб чиқилади.

Тасвир аниқ бўлгач ост суртмалар бажарилади;

Аста – секин бўёқ қатлами устидан керакли ранглар ўз вазифасига кўра ошириб (баъзи ерда суюқ, баъзи керакли ерда қуюқ қилиб) борилади;

Ранг бериш жараёнида тасвир тарихи бузилиб кетмаслиги керак;

Аввал каттароқ мўйқалам ишлатиб, тасвир деталлаштирила бошлагач кичикроқ мўйқалаиларга ўтилади;

Асл асарга бот – бот қараб, ўхшаш ўхшамаётганлиги текширилиб турилади;

Асар нусхаси барча кўзда тутилган, талаблар бажарилгач нихоясига етқазилади ва хошия ром билан безатилиши керак.

Таянч тушунчалар.

Нусха кўчириш – асл асардан қараб яна бир худди шундай иш бажариш.

Литография – тошбосма расмда нусха кўчириш.


Офорт – металга ўйиб нусха олиш.

Гравюра – мнсолиум ёки ёғочга ўйиб, сўнг ундан босма расм, нусха олиш.

Учлик (тройник) – нусха кўчиришда фойдаланиладиган суюқлик.
(эритгич) скипидар мой лак.

Дастлабги ишлов – остсуртма нусха кўчиришда мухим жараён.

Устсуртма – лессирофка қуюқ бўёқ устиидан суюғи билан
жилолантириш техникаси.







I- босқич



II-босқич



Ш-босқич



IV-босқич

VII. Атроф мухит муҳофазаси қисми

Табиат узига хос мураккаб тизим булиб, инсон ва жамият унинг хосиласидир. Инсон табиатдан хаво сув, озик овкат, минерал, ёнилги хомашёларини олади ва уз эхтиёжларини кондиради ҳамда хаёт фаолияти давомида унга уз таъсирини курсатади. Натижада табиат учу нёт булган янги объектлар вужудга келади. булар: ахар ва кишлоклар, заводлар, фабрикалар, йуллар, конлар, сув омборлари, кишлок хужалик ерлари ва бошкалардир. Инсонлар акл – идроки ва меҳнати туфайли юзага келган бундай антропоген ландшафтлар атроф муҳитга уз таъсирини курсатмай колмайди. Ер юзида аҳолии сонининг кескин усиб бориши, фан – техниканинг шиддатли тараккиёти, мамлакатлар худудида табиий ресурсларнинг бир текис таркалмаганлиги мавжуд табиийресурслардан имкон катар купрок фойдаланиш ваш у йул билан жамият тараккиётини тезлашишини такозо килади. Натижада табиат ва инсон уртасидаги узаро муносабат конунлари бузилади. Бу конунларнинг бузилиши эса эртами кечми экологик инкирозга олиб келади.

Табиат деганда биз узимизни ураб турган хаво, сув, тупрок, тог жинслари, усимлик ва хайвонотдан иборат мураккаб моддий борликни куз унгимизга келтирамиз. У инсоннинг барча моддий ва маънавий эхтиёжларини кондирувчи ягона манба хисобланади. Бу жихатдан уни онага киёслаб бежиз <<Она табиат >> деб ардокланмайди. Хозир инсон акл заковати туфайли ердван бир неча миллиард ёруглик йилига тенг келадиган узокликларни <<кураётган >> булса хам, бизга маълум булган оламда бирорта хам Ер сайёрасининг табиатига ухшаш табиат ва хаёт шакли мавжудлиги аникланмаган. Ер табиат ягоналигини якколрок тасаввур килиш осонрок булиши учун куйидаги маълумотларни келтирамиз. Хзирги илмий маълумотлара караганда, биз билан олам (коинот) бир-биридан бир неча ёруглик йилига тенг масофаларда жойлашган бир нечта галлактикалардан ташкил топган. Бу галлактикадарни хар бири неча-неча миллиард юлдузлардан ва бошка фазовий унсурлардан иборат улкан тузилмалардир. Жумладан, бизнинг куёшимиз жойлашган <<Сомон йули >> галлактикасида 150 миллиарддан зиёд турли улчамлардаги юлдузлар булиб, куёш ундаги уртача катталиқдаги юлдузлардан бири хисобланади холос. Куёш атрофидаги 9 та сайёра ва бошка фазовий жисмлар биргалиқда куёш системасини ташкил топади. Бу эса системанинг диаметри 12 миллиард километрга тенг булиб, умумий

массасининг 98-99 фоизини куёшда жамлаган. Бизнинг ер эса манна шу системанинг уртача катталиқдаги битта сайёрасидир. Табиатнинг инсон жамият учун ахамияти жуда ката. Уни инсон эҳтиёжини кондиритиш жихатларига караб, иктисодий, илмий, соғломлаштиритиш, тарбиявий ва эстетик турларга булитиш мумкин.

Иктисодий ахамияти дейилганда, ундаги ресурслардан (хаво, тупрок, минераллар, усимлик ва хайвонлар) турли ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишда асосий моддий манба сифатида фойдаланиш тушунилади. Маълумки инсон ва жамият эҳтёжларини кодиритиш барча махсулот ва хомашёлар табиий манбалар хисобига яратилган.

Илмий ахамияти шу билан белгиландики, инсоннинг барча билимлари негизда, табиат ва ундаги турли жараёнларни кузатиш, урганиш, тахлил этиш ва амалий хулосалар қилиш ётади. Соғломлаштиритиш ахамияти дейилганда, соф табиий хақиқий табиатнинг кишиларида олижаноблик, хушфеллилик ташкил қилиб, (мусаффо хаво, тоза сув) унумдор тупрок, бахаво урмоннинг) ва шифо беритиш табиий мода ва жараёнларнинг инсон саломатлигига ижобий таъсири тушунилади. Бундан қарийб минг йил аввал яшаб утган буюк утмишдошимиз Абу Али ибн Сино <<Одамлар саломатлиги ташки шарт шароит билан чамбарчас боғланган >> деганда, табиатни айнан шу хусуסיятини назарда тутган булитишга шубха қилмасамиз булади. Тарбиявий ахамияти дейилганда, соф хақиқий табиатнинг кишиларида олижаноблик, хушфеллик, бағрикенглик, ватанпарварлик, улугворлик, мулоимлик каби ахлоқий хислатларни уйғотиш ва шакллантиритиш хусуסיятлари тушунилади. Табиат қўйнида ёки тез-тез у билан бирга булитиш инсонларнинг ёшидан қатъий назар уларда инсоний фазилатларнинг камол топишига ёрдам беради. Жамиятда кузатилаётган руҳий қаршшоқлик, лоқайтлик, қўполлик, жаҳлдорлик, раҳм-шавқатсизлик, вахшийлик каби иллитларнинг авж олиш сабабларидан бири хам кишиларни сунъий (техноген) муҳитга тушиб, табиатдан ажралиб қолганликларидандир. Табиатнинг эстетик ахамияти беқиёсдир. Инсондаги барча гўзаллик, мукамаллик, музика, тасвирий санъат, куй-наво ҳислари ва уларга булган эҳтёжларнинг негизда табиат ётади.

Табиатдаги ям-яшил водийлар, зилол сувли булоқ ва сойлар, пурвиқор

тоғлар, хушовоз ва чиройли қушлар инсон учун фақат моддий неъматлар манбаигина эмас, балки битмас-туганмас ижод, гўзаллик, дид ва руҳий қувват манбаидирлар.

Кўриниб турибдики, инсон ҳам жисмонан, ҳам руҳан атроф-табиий муҳит билан модда, энергия ва ахборот алмашиб туришга мажбурдир.

Бу деган сўз, инсон табиатни таркибий қисми сифатида у билан биргаликда, уни ичида мавжуд бўла олади демакдир.

Инсоннинг табиатга таъсири бошқа фаол бўлмаган мавжудотлар (ўсимлик ва ҳайвонот) таъсирига нисбатан фаол ва характери

жиҳатидан тубдан фарқ қилади. Яъни, инсон онги туфайли табиатда ўз эҳтиёжи ва мақсадига мувофиқ тарзда ўзгартириш ва мослаштириш имкониятига эга.

Табиат билан бўладиган муносабатларда инсонга фаоллик ва бошқа тирик мавжудотлар орасида етакчилик қилиш ҳуқуқини берувчи омил инсон онги ижтимоий муҳитда, яъни фикрлардан келиб чиқиб инсонни иккита, яъни табиий ва ижтимоий муҳитларнинг маҳсули бўлган биоижтимоий мавжудот деб аташ мумкин. Инсонда ҳам моддий (тана) ва руҳий (онг) моҳият мужассамлашгандир. У тирик мавжудот сифатида табиат маҳсули, онгитуфайли эса ижтимоий муҳит (жамият) маҳсули ҳисобланади. Ўзларининг биологик хусусиятлари, ижтимоий мавқелари ва бошқа шароитларига кўра турлича онгга бўлган кишилар биргаликда кишилик жамиятини ташкал этадилар. Бундан кўриниб турибдики, инсон табиат билан жамият шартасидаги бо-ловчи кўприк вазифасини ўтайди. Бундан яна шундай хулоса ҳам келиб чиқадики, инсон табиатни узвий таркибий қисми бўлганлиги учун улар ташкил этган жамият ҳам табиатсиз мавжуд бўла олмайди. Бошқача қилиб айтганда, табиат, инсон ва жамият яхлат бир тизим сифатида фаолият кўрсатадиган ҳамда улар мазкур тизимнинг таркибий қисмлари бўлиб ҳисобланадилар. Мазкур ўринда шуни ҳам эсда тутиш зарурки, тизимнинг компонентларидан бири бўлмиш жамият онг туфайли моддий борлиқнинг энг олий ривожланган шакли ҳисобланади. У бир қатор ўзига хос ички ижтимоий қонуниятлар асосида ривожланади.

Манат шу қонуниятларни тизимнинг бошқа компонент (табиат ва инсон) лари ривожига тўсиқ бўлмаслиги экологик жиҳатдан тмуҳим

аҳамиятга эга. Маълумки, ҳар қандай тизимнинг барқарорлиги компонентларнинг ўзаро муносиб равишда ривожланиши ва улар орасидаги муносабатлар мувозанатлашган ҳолатда бўлишини тақозо этади, акс ҳолда тизим бузилади ва асл хусусиятларини йўвотади.

Юқоридагилардан қуйдаги хулосаларни қилиш мумкин:

Ер сайёраси ва ундаги табиат ҳамда ҳаёт шакли инсонга маълум бўлган оламда яғонадир;

Табиий борлиқ инсон ва жамиятнинг яғона моддий негизидир;

Табиат, инсон тва жамиятни яхлит тизим деб қараб, уларни биргаликда ўрганиш зарур;

Бу тизимнинг бирор-бир компонентидаги ўзгариш унинг бошқа компонентларида адекват тарздаги ижобий ёки салбий ўзгаришларнинг юз беришига олиб келади.

Мавжуд илмий манбаларга асосланиб, ер сайёраси ёшини 4,7 миллиард йил деб айтиш мумкин. Мана шу ўтган узоқ геологик давр мобайнида ерда ўзига хос табиат шаклланган.

Ер табиатнинг эвалутцион, спиралсимон тадрижий тараққиёти бир неча босқичларга бўлинади ва уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга.

Табиатнинг шаклланиша, эволутцияси ва асосий хусусиятларини ўрганиш билан бир қатор табиий фанлар шуғулланади. Экология фани нуқтаи назаридан табиат компонентлари орасидаги ва улар ичидаги мувозанат қандай қарор топганлиги ҳамда уни жамиятнинг табиатга таъсири кучайиб бораётган ҳозирги пайтда қандай қилиб сақлаб туриш мумкинлиги асосий аҳамиятга эга.

Табиатни ташкил этувчи таркибий қисмлар ҳаво, сув, тоғ жинслари, ўсимлик ва ҳайвонотлар орасида ва табиатдаги турли модда ва энергия алмашинуви жараёнларида, узоқ геологик даврлар мобайнида ўзига хос барқарорлик ҳолати юзага келган.

Табиатдаги мана шу барқарорлик табиий ёки экологик мувозанат деб аталади. Ернинг табиати ўзига хос кўрсаткич ва қонуниятларга эга бўлган турли ички ва ташқи таъсирларга маълум даражада бардош бера оладиган мураккаб функционал тизимдир. Бу тизимнинг ташкил-

этувчилпри. Яъни табиатнинг ташкилий қисмлари доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлгани туфайли ундаги мувозанат ҳам динамик ҳолатда мавжуд бўла олади.

Табиатнинг нозиклиги, гарчи у улкан тузилма бўлса ҳам, унга таъсир этишнинг осонлиги айнан ундаги мана шу мувозанат ҳолати туфайлидир.

Чунки мувозанатдаги ҳолати издан чиқариш учун унга кўп куч талаб этилмаслиги ҳаммага ўрта мактаб физикасидан аён. Табиий мувозанатнинг издан чиқиши натижасида кўп ҳолларда инсоннинг табиатга кўр-кўрона, узоқни кўзламай, табиат қонунларини менсимай тазйиқ кўрсатиши сабаб бўлади. Инсон ўзининг бирон-бир эҳтиёжини қондириш мақсадида табиатдан фойдаланади ва шу жараёнда унинг бтрорта ёки бир неча компонентларини ўзгартиради, кўпинча бу таъсир жараёни компонентлараро ёки улар ичидаги мувозанат ҳолатини бузади.

VIII. Ұқув услубий

ҚИСМ

Мундарижа:

- 1.Педагог қандай бўлиши керак.**
- 2.Замонавий ўқитиш технологиялари.**
- 3.Дарс режа матни.**
- 4.Дарснинг тури ва мазмуни.**
- 5.Дарснинг бориши.**
- 6.Дарснинг технологик жараёни.
("Амалий" дарс ўтиш услуби.)**

**Дарс ўтиш режаси.
(80-минутлик дарс тақсимоти.)**

- 7.Иллюстрациялар.**
- 8.Йиллик иш дастури.**
- 9.Ўқитувчининг тақвим мавзу режаси.**
- 10. Ўқитувчининг шахсий иш режаси.**
- 11. Ўқитувчининг маънавий ва
маърифий ишлар режаси.**
- 12. Дарс таҳлили.**

Педагог қандай бўлиши керак.

“Педагогика” термини грекча икки сўз – “пайс”, яъни бола ҳамда “эгейн”, яъни бошлаб бориш , бошқариш, тарбиялаш деган сўзлардан келиб чиқади.

Тарихдан шундай бўлиб чиқдики, педагогика асосан болаларни, ёш авлодни тарбиялаш ҳақидаги фан сифатида тараққий этди.

Педагогика ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фандир.

Кишилик жамият тараққий этиши билан у ҳам ўсиб боради. Кишилик жамияти пайдо бўлиши билан одамларнинг меҳнат фаолияти процессида уларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари, меҳнат малакалари пайдо бўлди ва улар ўзгариб, орта борди, уларда турли меҳнат қуролларини ишлата билиш кўникмалари ҳосил бўлади ва бу қуролларни такомиллаштириш қобилияти, нутқ ва тафаккур ўсиб, ривожланиб борди. КЕкса авлод меҳнат процессида орттирилган тажрибаси асосида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам меҳнатда иштирок этишга ўргатиши керак эди ва шундай қилди.

Шундай қилиб, тарбия кишилик жамияти практик эҳтиёжининг объектив заруратидан келиб чиқди, шу жамият билан бирга ривожлана борди.

Педагог яъни ўқитувчилик касби ҳам жуда мураккаб касблардан биридир.

Ҳозирги замон ўқитувчиси зиммасига ёш авлодни жисмоний жиҳатдан пишиқ, руҳан тетик, билимдон, ватанпарвар, мамлакатимизда демократик жамият қуришнинг вазифаси юкланган. Шунинг учун ҳам у кенг маълумотли ва юксак маданиятли киши бўлиши лозим.

Ўқитувчи талабаларни севиши, уларга чинакам ғамхўрлик қилиши ва улар билан ўз фарзандидек муносабатда бўлиши керак. Талабалар меҳрибон, очиқ кўнгил, ўзини уларга яқин тутадиган ўқитувчини севадилар, ҳар бир ишда унга эришишга ҳаракат қиладилар, ҳатто шундай ҳислатларга эга бўлган педагоглардан баъзиларини умр бўйи унутмайдилар.

Ўқитувчига хос хусусиятлардан яна бири талабалар билан бир меёрда муносабатда бўлиш, лекин уларга нисбатан қатъий ва жиддий талабчан бўла олишдир. Ўқитувчи талабалар билан яқиндан муносабатда бўлиш, уларга досимо ғамхурлик қилиш билан бир вақтда, уларни эркалиб ҳам юбормаслиги керак.

Талабалар ўзлари билан ҳаддан ташқари қўпол муомалада бўлувчи ўқитувчини севмайдилар. Бас, шундай экан, ўқитувчи талабалар билан ё бир меёрда муомала қилиши керак.

Шунинг учун ҳамisha янги талабалар сари дадил қадам ташлаб боровчи, янгиликлар изловчи ҳар бир ўқитувчи таълим-тарбия иўларига жавоб бера оладиган даражага кўтариш учун табиат ва жамиятнинг вужудга келиш ҳамда тараққий этиш қонуниятларини яхши билиши керак. Ўқитувчи синфда ва синфдан ташқарида ўқувчилар ўртасида олиб борадиган таълим-тарбия ишида уларни ҳозирги замон масалалари билан таништиради, уларга янги кишига, демократия шароитида яшайдиган кишига хос ҳислатларни тарбиялайди.

Замонавий ўқитиш технологияси.

Касбий таълим деганда, талабаларнинг муайян типдаги ўқув юртида (лицей, коллеж, институт) ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда системага солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушинилади. Бу билим, малака ва кўникмалар доираси энг муҳим фактлар, илимий тушунчалар, қонун ва назарияларни, дунё қараш ғояларини, ахлоқий ҳамда эстетик нормалар ва идеалларни, талабаларнинг кўрсатган тмаълумотларини ўрганиши уларнинг лимий тафаккури ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш усуллари ҳақидаги материалларни шунингдек малака ва янги замонавий билимларни (компьютер ва бошқалар) амалда қўллаш ва янги билимларни эгаллашдаги малака ҳамда кўни кмаларни ўз ичига олади. Касбий таълимнинг мазмуни бир қатор факторларни ҳисобга олиш билан белгиланади, бу факторларнинг асосийлари қуйдагилардир:

а) Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг объектив эҳтиёжлари ҳамда фан ва техниканинг тараққиёт даражаси, ижтимоий тузумнинг характери, бунга давлатимизнинг ҳозирги пайтда олиб бораётган, касбий таълим назарияси ва маънавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чора тадбирлари ҳақидаги босқичма-босқич ислоҳатлари киради.

б) Давлатимиз муайян турдаги ўқув юрти олдида қўядиган мақсад ҳамда вазифалари. Бундай типдаги ўқув юртлари сарасига ўқиш муддати камида 3 йил бўлган академик лицейлар ва касбий коллежлар кириб, улар олдида “Ижодий ва ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турадиган юқори умумий касбий маданиятни касб этган мутахассислар янги баркамол авлодни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди. Бундай баркамол авлодни шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1998-йил 24-февралда қабул қилинган “Академик лицейлар ва касбий коллежлар ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини бошқариш тўғрисида”ги қарори касбий коллежлар учун малакали педагог ва мухандис-педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларини ҳам белгилаб беради.

Махсус фан ўқитувчиси
Янгибоева Хуршиданинг
4-соатга мўлжалланган.

“Тасдиқлайман”
Ўқув ишлар
Бўйича директор

Дарс режа матни.

Гуруҳ :

Сана :.

Дарснинг тартиб сони: №____2____ 4 соатга мўлжалланган.

Дарснинг мавзуси: “Рангтасвирда миниатюра ишлаш”

Дарснинг мавсади: Талабаларга миниатюра ишлаш кетма –
кетлигини тушунтириб бериш.

Таълимий: ишлаб чиқариш таълими жараёнида талабаларнинг
касбий малакаларини шакллантириш.

Тарбиявий: талабаларни касбий малакаларини
шакллантиришда устоз-шогирд анъана-
ларига амал қилишни ўрганиш.

Ривожлантирувчи: Талабаларга индивидуал усулда топшириқ
бериб, уларнинг ижодий қобилиятини ўстириш.

Дарснинг тури.

Дарсда қўлланиладиган асосий усуллар.

Дарснинг жиҳозлари : Ушбу дарсга таълуқли бўлган асбоб-ускуналар, материаллар, чизмалар.

Дарснинг мазмуни.

1.Ташкилий қисм: Талабалар билан саломлашиб, журналдаги рўйхат бўйича йўқлама қилиб чиқиш.

2. Ўтган дарс мавзусини сўраб, мухтақамлаш ва талабалар билимини баҳолаш:

а) миниатюра сўзининг маъносини биласизми ?

б)миниатюра неча хил бўлади?

в) миниатюрадар қандай бажарилади?

3.Ўтилган мавзуга яқун ясаш.

4. Янги мавзунинг боши.

5. Ўтилган мавзу юзасидан савол жавоблар.

6. Уйга вазифа.

7. Дарсни яқунлаш.

Дарснинг бориши.

Режа:

1. Миниатюра яратиш кетма – кетлиги талабларнинг касбий малакасини шакллантириш.
2. Миниатюра яратишда график ишларни бажаришда, устоз – шогирд анъаналари. Устоз ва шогирднинг ўзаро меъзонлар асосида иш юритиб бориш.
3. Юқорида ўтилган дарс кетма – кетлиги жараёнида талаба тафаккури ва касбга қизиқишини ошириб, ривожлантириш орқали мавзуга оид плакат яратиш.
4. Лотин алифбосидаги харфларни арақел материалга чизиб, уларни қирқиб олиб, олдиндан тайёрлаб қўйилган юзага ёпиштириб чиқиш.
5. Тайёр бўлган кўرғазмали қуролларни арақел материалдан фойдаланиб, бадиий безаш (Атрофни керакли ўлчамда хошиялаш).

Амалий дарс ўтиш усули қўлланилиб ўтиладиган 80 – минулик дарс тақсимоти.

Мавзу: “Рангтасвирда миниатюра ишлаш”.

Ўқитувчи саломлашиб, йўқлама қилади (гурух журнали)	5мин
Уй вазифаси текширилиб, билимлар баҳоланади.	15 мин
Янги мавзу эълон қилинади. “Рангтасвирда миниатюра ишлаш”	5 мин
Мавзуга оид тарқатма материаллар тарқатилади. Талабалар тарқатма материалларини мустақил ўрганади.	10 мин
Талабалар тайёргарлик кўриб, тарқатма материаллардан нусха кўчиришга киришади. биринчи миниатюра қаламда кўчириб олиниб, сўнгра ранг берилади. Ўқитувчи бўлса, иш жараёнини кузатиб бориб, ўз маслахатларини бериб боради.	40 мин
Дарс тугашига 5 минут қолганда, ўқитувчи талабалар бажарган ишларни йиғиб олиб, дарсни якунлайди.	5 мин

“Тасдиқлайман “

2012-2013 ўқув йилига мўлжалланган 1-босқич

Колеж директори

Тасвирий санъат гуруҳи учун ўқитувчи

Янгибоева Хуршиданинг “Миниатюра”

фанидан тузган йиллик иш режаси.

№	Бўлим ва мавзуларнинг номи	Машғулот тартиб рақами	Дарс ўтилган кун	Дарсга ажратилган соат	Машғулот ва тури	Кўргазмали қуроллар ва техник воситалар	Мустақил иш тури. Амалий лаборатория татқиқот	Уй вазифаси	адабиётлар	Фанлараро	ИМЗО
i	ii	iii	iv	v	vi	vii	viii	ix	x	xi	x
1	Мутахассисликка кириш	№1	2.04.12.	2	Оғзаки амалий	Амалий санъатга оид плакатлар	Амалий санъатга оид плакатлар				
2	Крирш. Амалий санъат асослари	№ 2	14.04.12	2	оғзаки	Амалий санъат асосларини исботлаб берувчи слайдлар					
3	Амалий санъат турлари	№ 3	20.04.13.	2	Оғзаки	Амалий санъат турларига оид расмлар	Амалий санъат турларини иш дастурига ёзиб бориш				
4	Санъатда мазмун ва шакл	№ 4	26.04.12	2	Оғзаки	Санъатда мазмун ва шаклга оид баённомалар		Ўқиб келиш		Тарих	
5	Амалий санъат жанри	№ 5	2.05.12	2	Оғзаки	Амалий санъат жанрига оид материаллар					

6	Рангтасвир санъати	№ 6	8.05.12	2	Оғзаки	Рангтасвир санъатига оид плакатлар	Плакатларни ўрганиш	танишиш		рasm	
7	Миниатюра жанри	№ 7	14.05.12	2	Оғзаки	Миниатюра жанрига оид слайдлар	Плакатларни ўрганиш	танишиш		рasm	
8	Дарс ўтиш хонасида хавфсизлик техникаси ва ёнгин хавфсизлиги	№ 8	20.05.12	2	Оғзаки ва амалий	Хавфсизлик техникаси ва ёнгин хавфсизлигига оид плакатлар	Плакатларни ўрганиш			Физика химия	
9	Миниатюра яратишда ишлатиладиган асбоб ускуналарни сақлаш қоидалари	№ 9	26.04.12	2	Оғзаки	Маълум ускуналардан фойдаланиш					
10	Миниатюра яратишда ишлатиладиган асбоб турлари	№ 10	1.06.12	2	оғзаким	Асбоблар тасвирланган слайдлар	Асбобларни танлаш				
11	Миниатюра эскизларини қоғозга чизиш	№ 11	7.06.12	4.	амалий	Эскизли слайдлар					
12	Миниатюра чизиш хақида тушунча бериш	№ 12	13.06.12	2	оғзаки	Миниатюрага оид плакатлар				графика	
13	Тайёр эскизни қаламда бажариш	№ 13	19.06.12	4	Амалий						
14	Қаламда таёр миниатюрага ранг бериш	№ 14	26.06.12	4	амалий	Мўйқалам ва ранглардан фойдаланиш	Рангшунослик слайди			композития	
15	Тақдимот жойи			50							

Тузувчи фан ўқитувчиси:

Янгибоева Хуршида

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳар

Санъат коллежи

Рангасвир

№ ____ гуруҳи

мураббийси

“Тасдиқлайман”

Коллеж маънавият

ва маърифат ишлари

бўйича директор

ўринбосари.

Янгибоева Хуршиданинг 2012-2013
ўқув йилида бажариладиган маънавий
ва маърифат ишлар режаси.

№	Бажариладиган тадбирлар	Бажариш муддати	Изох
1	Август	25.08.12	Мураббий
	Дарс синфи хонасини “Президент портрети , давлат герби, давлат байроғи, давлат гимни, ва президент асарари билан жихозлаш		
2	Сентябр	1.09.12	Маънавият ва маърифат бўйича директор ўринбосари
	1-сентябр Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунига бағишланган тадбирда қатнашиш.		
3	Сентябр	2.09.12	Директор Мураббий
	Билим юртига кирган талабаларни билим юртининг ички қонун қоидалари билан таништириш.		
4	Октябр		

5	Шахримиздаги тарихий обидалар хақида суҳбат Гуруҳ давомати ва ўқиш жараёнини текшириб бориш	Доимий	Мураббий
6	Ноябр	Доимий	Тарих шқитувчиси
	Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзий белгилари хақида талабаларга тўлиқ маълумот бериш.		
7	Декабр	7.11.12.	Мураббий Тарих ўқитувчиси
	“ 8-декабр Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси куни” мавзусида талабаларга маълумот бериш.		
8	Январ	25.01.13	мураббий
	1-ярим йиллик якуни гуруҳнинг умумий ва махсус фанлардан тўпланган жорий, оралиқ ва якуний назорат рейтинг баҳосини кўриб чиқиб, талабалар билан биргаликда тахлил қилиш.		

Тузувчи гуруҳ раҳбари:

Янгибоева Хуршида.

ІХ.Хулоса

Хулоса

Хеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, санъатга бўлган қизиқишим мени айнан шу ўқув даргоҳининг “Касбий таълим” факультети “Санъат” бўлимига хужжат топширишимга сабаб бўлди. Мен бундан хеч хам пушаймон эмасман.

Чунки тўрт йиллик тахсилим давомида, устозлардан санъат сирларини ўргандим. Ўзим учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлдим.

Албатта бунинг учун декнимиз Абдураимов М. Рахбарлик қилаётган факультетимиз устоз ва мураббийларидан миннатдорман. Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, биз талабаларнинг шу даражага етишимизда устозларнинг тинимсиз меҳнати ётибди. Уларнинг бизга синган меҳнатларини оқлаш мақсадида, диплом ишимни, талаб даражада бажаришга баҳоли қудрат ҳаракат қилдим.

Албатта, диплом ишимни баҳолаш, ҳурматли ДАҚ раиси ва комиссия аъзоларнинг ҳукмига ҳавола.

Яна бир марта устозларимга, улар қатори факультетимиз декани М. Абдураимовга хам раҳмат айтаман.

Х. Адабиётлар

Адабиётлар

1. И.А.Каримов .”Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, Тошкент 2007.
2. М.Қодиров “Миниатюра санъати” Тошкент 2000 йил.
3. Пугаченко. “Марказий осиё миниатюраси” Тошкент 2007 й.
4. Поияков Е.А., Рахимова З.И. Тошкент 1986 й “Миниатюра шарқ адабиётида”
5. Хасанов Р. “Миниатюра машғулотларини такомиллаштириш” Тошкент 1986 й.
6. Н. Ахмадов. “XX – аср Ўрта Осиё рантасвир санъати”, Тошкент 2007 й.
7. Х.Эгамов. “Бўёқлар билан ишлаш” Тошкент 1987 й.
8. М.Набиев, “Рангшунослик” Тошкент 1995 й.
9. Х.Т.Авиёқубов “Замонавий ўқитиш технологиялари” тошкент 2007 й.
10. Орипов Б. “Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси”, Тошкент 2005 й.
11. С.Абдурасилов. “Рангтасвир” Тошкент 2005 й.
12. WWW. forum. Ziyouz. Com /Shorasul Shoahmedov/ mail @ uz.
13. WWW. tiu. / Nusxa kochirish / mail @ uz.

